O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 3-iyul • Seshanba • 78 (27.723) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбек бозори



ЭЛ-ЮРТ БАРАКАСИ

Айни саратон эмасми, чилла қуёшини эмган боғу роғларда, узумзорлару полизларда, пайкалларда ғарқ пишиқчилик... Боғбонлару соҳибкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. «Пуф-пуф»лаб, авайлаб терилаётган, қутиларга сархиллаб жойлаштирилаётган жамики ноз-неъмат бозорларга — харидорларга пешма-пеш жўнатилмоқда.

Бозор... Ёз фаслининг шукуҳи, ифори бор, унда. Деҳқоннинг заҳматли меҳнати бор, унда. Ҳар бир растаси қишлоқ боғ-роғлари ҳиди билан тўлиб, элнинг баракаси бўлиб жонланади у...

Хаёлимизга беихтиёр бир воқеа келди. Бундан бир неча йил олдин мамлакатимизга ташриф буюрган Япония парламентининг ўша кездаги раҳбарларидан бири жаноб Кумагай Самарқанд туманидаги ғарқ пишиб ётган шафтолизор ёнидан ўтаётиб, мевалардан кўз узолмай қолади. Меҳмоннинг кўнгли кетганини сезиб, ҳамроҳлик қилаётган мезбонлардан бири ҳовучига сиққунича зарғалдоқ шафтолидан узиб унга тутади. Меҳмон бироз хижолат чекиб, Японияда бундай шафтолиларнинг ҳар бир донаси 5 доллар туришини айтади...

Қаранг-а, ўлкамиз қандай жаннатмакон маскан! Унинг таёқ суқсангиз амал олгувчи зар тупроғи-ю гавҳар сувини, ширин-шакар ноз-неъматларини қўя туринг-да, боя айтганимиздек, ёзнинг, деҳқоннинг юрак ҳовури бор бозорларига энди ўзингиз бугун — пишиқчилик кезлари таъриф бераверинг...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Суратларда: ғарқ пишиқчилик паллаларининг бозорларимиздаги тароватидан лавҳалар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



2007 йил 30 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунини «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, мазкур Қонуннинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган Қарорининг 7-бандини ижро этиш юзасидан ишлаб чиқилган. Ушбу Қонун билан «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги ҳамда «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш учун шароит яратиш, унинг очиқ-ошкоралигини ва барқарор ишлашини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам кўриб чиқиб, унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботини тингладилар ва маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масала ва Сенат ваколатига таалуқли бошқа масалалар ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг ўнинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 14 та масала кўриб чиқилди, улар юзасидан бўлган музокараларда қарийб 50 нафар сенатор сўзга чиқди.

Сенат томонидан кўриб чиқилган ҳамда маъқулланган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларини ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ЁШЛАРГА АТАЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

Пойтахтимиздаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг иқтидорли ёшлар фаолиятига оид лойиҳаларининг ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг комил инсонлар бўлиб вояга етиши, пухта таълим, мукаммал тарбия олиши масаласи давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу эзгу ишга мамлакатимиздаги кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилаётган кўплаб тадбирлар, ижтимоий лойиҳалар, ижодий беллашув ва анжуманлар бунинг ёрқин далилидир. Анъанавий «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон», «Келажак овози» каби фестиваллар, кўрик-танловлар, иқтидорли талабалар учун стипендиялар, таълим грантлари дастурлари, интеллектуал олимпиадалар истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги-янги ижодий марралар сари даъват этишга хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг 17-24 июнь кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда «Биз — бир жамоамиз!» тадбири муваффақиятли ўтказилди. Тадбир ёшларга йўналтирилган эзгу ишлар кўламини тобора кенгайтириш, бу борадаги лойиҳалардан йигит-қизларни кенгроқ бохабар этиш, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги бўлимлари фаолиятини янада жонлантириш, жойлардаги ташаббускор ва изланувчан ўғил-қизларни аниқлаш имконини берди. Кўтаринки руҳда ўтган ушбу тадбирга эстрада юлдузлари, машҳур санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокидаги мусиқий дастурлар янада байрамона кайфият бағишлади.

Жорий йилнинг 1-14 июль кунлари эса пойтахт вилоятининг Қибрай туманида мазкур ижодий сафар чоғида аниқланган фаол йигит-қизлар ҳамда «Келажак овози» республика кўрик-танлови ғолиблари учун ёшларнинг ёзги ўқув оромгоҳи ташкил этилади. Дам олиш доирасида ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижодий-интеллектуал тадбирлар, семинар-машғулотлар, викториналар, ижодий анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Анжуманда «Келажак овози» республика кўрик-танлови ғолиблари учун ўз йўналиши бўйича жорий йилдан бошлаб олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга киришга оид имтиёзлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг баркамол шахс бўлиб вояга етиши йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎзХДП Қашқадарё вилоят ҳамда Қарши шаҳар кенгашлари фаоллари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида шаҳардаги «Самарқанд» маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар — Матлуба Ибрагимова ва Бахтиёр Ўнгбоевлар хонадонларида бўлишиб, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали кўмаги билан уларга биттадан рангли телевизор тақдим этишди. Шунингдек, маҳалладаги қатор фаол партия аъзоларига эсдалик совғаларини топширишди.

ЎзХДП Янгиариқ туман кенгаши «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишида партия ташкилотларининг иштирокини янада кучайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбатини ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Р.Сабуров бу борада амалга оширилаётган ишлар, уларда партия ташкилотларининг иштирокига алоҳида тўхталди. Жойларда дастурни бажаришда йўл қўйилаётган сусткашлик ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда партия ташкилотлари, фаоллар ва депутатлар ташаббускор бўлиши кераклигини таъкидлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАРИ

...Самолёт самога парвоз қилиш учун учиш йўлкаси сари оҳиста бурилди. Мамлакатимиз миллий байроғи акс этган улкан пўлат қуш бир неча сониядан сўнг осмони фалакка кўтарилди. Ҳаво кемаси баландликка катта тезликда кўтарилса-да, яна бир қанча фурсат унинг ёнбошидаги «UZBEKISTAN» деган ёзув қуёш шуъласида товланиб турди...

Жаҳонгашта кинооператор Анвар Авазхўжаев билан пойтахтимиз халқаро аэропортида ушбу манзарани кузатдик ва самолёт булутлар орасида ғойиб бўлгач, у менга шундай деди:

— Ижодий сафар билан хорижий мамлакатларга тез-тез бориб тураман. Жаҳоннинг турли жойларидан минг-минглаб йўловчилар келадиган турли аэропортлар ва аэровокзалларда миллий авиакомпаниямизнинг давлатимиз рамзлари туширилган замонавий ҳаво кемалари учиш майдонида кўзни қувонтириб турганини кўраман. Шундай пайтда вужудимни фахр туйғуси чулғаб олади. Шунда «мамлакатимиз миллий авиакомпанияси ҳам дунёда мустақил Ўзбекистон нуфузини муносиб равишда кўз-кўз этмоқда, бу ҳам мустақиллигимизнинг яна бир неъмати», деган ўйлар хаёлдан кечади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» жаҳондаги энг ёш авиакомпаниялардан биридир. У Президентимиз Фармонига биноан 1992 йил 28 январда ташкил топган эди. Эндиликда бу миллий авиакомпания жаҳон авиаташувчилари бозорида ўз ўрнига эга, халқаро авиация ташкилотларидаги мавқеи юқори.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий самолётлар ҳисобига ўз авиатехника паркини тўлдириб бормоқда. Ҳозир у Ғарбда ишлаб чиқарилган 16 та «Боинг», «Эрбас», «PJ-85» русумли замонавий ҳаво кемаларидан фойдаланмоқда. Яна бир янгилик: компания яна иккита «Боинг» ва олтита «Эрбас» ҳаво кемасини сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолади. Ҳаво кемаларини янгилашга қаратилган хайрли қадамлар эса ўзини аллақачон оқлади. Бу ерда гап фақат ҳаво кемаларини янгилашдагина эмас, балки компанияни жаҳон андозалари ва талабларига жавоб берадиган, хавфсизлик ва қулайликларни таъминлайдиган учоқлар билан тўлдириш ҳақида бормоқда.

2-бет

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

ёш фуқароларга кенг имкониятлар беради, бундан тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади, — дейилди Сергели туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалласида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва мазкур туман партия ташкилотлари фаолларининг маҳалла аҳли, ёшлар ҳамда хотин-қизлар вакиллари билан учрашувида

«Оила — жамиятнинг асосий пойдевори» мавзуида бўлиб ўтган тадбир қизғин савол-жавоб ва мунозараларга бой бўлди. Унда суҳбат иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ёшларни ижтимоий ҳимоялашдаги аҳамияти ва уларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида фикрлашдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева йиғилганларга мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг бу борадаги вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мустақил мамлакатимиз раҳбариятининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини мақсадли ва аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати изчил амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Унда кўзда тутилган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар жамиятимиз негизи — оилаларни мустаҳкамлаш, янги тузилган оилаларнинг оёққа туришига кўмаклашишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига тўла жавоб берувчи янги муҳим қадамдир.

Суҳбат давомида депутатлар, ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Сергели туман кенгашлари фаоллари Президент Фармонида кўзда тутилган ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар берилишидан фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисида ёшларга кенг тушунтириш бердилар. Шу билан бирга, ЎзХДП кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари, бир қатор маҳаллалардаги уларнинг бўлимлари томонидан ёшлар, ёш оилаларга бу борада юридик маслаҳатлар бериш, мурожаатларни диққат билан ўрганиб, муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашаётганлигини айтиб ўтдилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари Муҳаббатхон Абдуллаева ва Боймурод Юсупов бугунги кунда қабул қилинаётган янги қонунлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда бу муҳим ҳужжатларнинг аҳамияти, айни пайтда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталдилар.

«Қўшқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Халилов маҳаллада ёш оилаларни мустаҳкам ва аҳил бўлиб яшашлари учун қилинаётган ишлар хусусида гапирар экан, — Президентимизнинг мазкур Фармонини биз катта қувонч билан кутиб олдик. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши мустаҳкам оилалар барпо этилишида ўзининг ижобий натижасини бериши ва комил авлод етишиб чиқишига хизмат қилиши, шубҳасиз, — деди.

Суҳбатда маҳалла фаоллари уй-жой коммунал хизматлари борасида ҳам депутатларга кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар, таклифлар билдирдилар. Берилган саволларга ЎзХДП Сергели туман кенгаши раиси ўринбосари Зуҳра Ҳакимова, туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Холида Низомова ва бошқалар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЯНГИ АВТОБУСЛАР ҚАТНОВИ

НУКУС. (ЎзА мухбири А. ОРТИҚБОЕВ). «Хўжайли автотранспорт корхонаси» масъулияти чекланган жамияти Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий, ҳар томонлама қулай автобуслардан йигирматасини лизинг асосида сотиб олди.

Бу борада корхонага «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Қорақалпоғистон филиали ва «Қорақалпоқтранс» ассоциацияси яқиндан ёрдам берди. Айни пайтда «Isuzu» русумли янги автобуслар Нукус шаҳрига, Мўйноқ, Кўнғирот, Қонликўл ва Шуманай тумани марказларига қатнай бошлади.

— Янги автобуслар келтирилиши билан 60 нафар ёш иш билан таъминланди, — дейди корхона назорат бўлими бошлиғи Пўлат Жуманазаров. — Янги техникалар корхонамиз иқтисодий самарадорлигини ошириш билан бирга йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Солиқлар — иқтисодиёт таянчи

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТУРГАНДА

НЕГА ЭГРИСИДАН ЮРАСИЗ?

Ширин — энергетиклар шаҳри. Бу гўшада бугун 12000 нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. У қўшни Тожикистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бу эса «тадбиркор» ниқобидаги айрим кимсаларга гўё «қўл» келаётгандек...

Буни шаҳар солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган қисқа муддатли текширишлар ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, йил бошидан бери шу йўналишда 6 ҳолат аниқланиб, жами 606 минг 180 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган сифат сертификатисиз, кирим ҳужжатлари бўлмаган ва давлат божхонаси томонидан расмийлаштирилмаган ҳолда ноқонуний равишда шаҳар ҳудудида сотилаётган товар моддий бойликлар тегишли далолатномалар асосида тўхтатиб қўйилди.

Бир мисол: Ширин шаҳар деҳқон бозори ҳудудида якка тартибда фаолият юритаётган «тадбиркор»лардан бири — Нурилло Қодирқулов хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотаётганда ушланди ва ундан тегишли тартибда 443 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди. Қизиғи шундаки, у бир йил давомида бундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этишдан тап тортмаган. Натижада унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 1-қисмига асосан жиноят иши қўзғатилди.

Қанийди, бу каби хатти-ҳаракатлар ягона бўлса? Ширин шаҳар А.Набиев маҳалласи, Нурчилар кўчаси, 4-уй, 12-хонадонда истиқомат қилувчи Надежда Латенцеванинг ҳам зарур ҳужжатлари бўлмаган ҳолда, давлат рўйхатидан ҳам ўтмасдан хорижда ишлаб чиқарилган 91730 сўмлик товар моддий бойликлар билан савдо қилаётганлиги маълум бўлди ва тўпланган ҳужжатлар чора кўришлик учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборилди.

Яна шу маҳаллада яшовчи Паттиниса Холиқулова, Амир Темур маҳалласи фуқароси Илҳом Азимовлар ҳам тўғри йўл турганда эгри йўлни танлайдиганлар тоифасидан чиқиб қолди. Натижада улардан ҳам ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотилаётган товар моддий бойликлар тегишли тартибда олиб қўйилди.

Кишини бир савол ўйлантиради: ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишни, олди-сотди ишлари билан машғул бўлишни истовчиларга нисбатан барча ҳуқуқий шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб берилган, уларнинг тўғри, ҳалол фаолиятлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бир пайтда нега айрим тадбиркорларимиз қонуний фаолият юритиш ўрнига ўзларича, фақат фойда кўришни ўйлашаётир? Наҳотки, улар бундай эгри йўлнинг охири вой, ноқонуний фаолиятнинг интиҳоси яхшилик билан тугамаслигини билишмаса?

Комилжон БОТИРОВ,
Ширин шаҳар Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат бўлими бошлиғи

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1993 йилдаёқ миллий авиакомпания паркида «Эрбас» индастри» консорциумида ишлаб чиқарилган дастлабки «А-310» аэробуси пайдо бўлди. Сўнгра «Боинг»лар, «РJ-85» ҳаво кемалари харид қилинди. Улар ёрдамида халқаро авиаташувларнинг асосий ҳажми бажарилиши таъминланмоқда. Дарвоқе, саккиз йил муқаддам, 1999 йил кузида миллий авиакомпаниямиз ўз ихтиёрига навбатдаги замонавий «Боинг-757-200»ни олиш чоғида бир гуруҳ ўзбек журналистлари АҚШда ижодий сафарда бўлган эдик. Ҳамкасблар билан бирга замонавий самолётнинг нақадар ишончли ва қулайлигига Сиэтл — Нью-Йорк — Амстердам — Тошкент йўналиши бўйича 22 соатлик парвоз чоғида ишонч ҳосил қилгандик. Бир кеча-ю кундузлик парвоз бу қудратли машинанинг том маънода мўъжиза эканлигини кўрсатганди ўшанда. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз бундай замонавий ҳаво кемаларига эга бўлаётганидан қувонмай бўладими!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ўз самолётлари паркини шакллантиришда ишончлилик, кўп ўринлилик, олислилик ва тежамкорлик мезонларининг уйғунлигига эришишга интилмоқда. Шу боис миллий компаниямиз таҳлилчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, олиб келинадиган энг сўнгги русумдаги иккита «Боинг-787-8» ва олтита «А320-200» ҳаво кемаси кўзланган режаларни рўёбга чиқаришда жуда қўл келади.

Агар 1991 йилда ўзбек учувчилари Дехли ва Қобулга парвозларни амалга оширган бўлишса, эндиликда авиакомпаниянинг ҳаво йўналишлари ҳаритасидан жаҳоннинг 40 дан ортиқ шаҳри ўрин олган. Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт, Париж, Бангкок, Токио, Сеул, Осака энг олис йўналишлар ҳисобланади. 24 мамлакатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг 40 дан ортиқ ваколатхонаси фаолият кўрсатаяпти. Ҳар куни ўнлаб қатновлар амалга оширилмоқда, йилига салкам 2 миллион йўловчи ташилмоқда. Республикамизнинг асосий ҳаво дарвозалари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Термиз аэропортларининг янги мажмуалари ишга тушди ва улар халқаро аэропорт мақомига эга бўлди. Бу аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари ва терминаллари исталган русумдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятига эга. Бу авиайўловчилар оқимини оширибгина қолмай, балки уларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш даражасини ҳам кўтарди.

Ўзбекистон осмонида ўнлаб ҳаво йўналишлари кесишади. Шу боис, албатта бу ерда барча учиб ўтаётган ҳаво кемаларига ишончли диспетчерлик кузатуви зарур. Энг замонавий диспетчерлик ва радиолокация тизимлари билан жиҳозланган «Ўзаэронавигация» маркази парвозлар хавфсизлигини таъминламоқда. Авиакомпания эндиликда «Боинг», «А-310» ва бошқа замонавий самолётлар учувчиларини амалий ўқитиш бўйича ўз ўқув-машғулот марказига ҳам эга. Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси эса мазкур самолётларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича ҳуқуқни қўлга киритди. У ўзимизнинг барча турдаги ҳаво кемаларимизга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эҳтиёжни қондирибгина қолмай, айни чоғда МДҲ, Марказий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари авиакомпанияларининг Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Ҳар бир авиакомпания фаолиятида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш устувор йўналиш ҳисобланади. Бунга кўпгина таркибий жиҳатлар орқали эришилади, албатта. Лекин шундан биттаси — техникадан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, экипажларнинг учиш маҳоратларини мунтазам такомиллаштириш, ҳаво ҳаракатини бошқариш ҳамиша муҳим ва асосий бўлиб қолаверади. Миллий авиакомпаниямиз халқаро авиация хавфсизлиги жамғармасининг дипломига сазовор бўлган. Айтиш керакки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бугунги кунда 70 дан ортиқ давлат фуқаро авиациясининг юздан ортиқ авиакомпаниялари ва ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилаяпти.

— Биз авиаташувчилар бозорида энг ишончли компания эканлигимиздан мамнунмиз, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директори Валерий Николаевич Тян. — Авиакомпаниямиз ер курраси-нинг исталган нуқтасига, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида парвозларни муваффақиятли таъминламоқда. Бунда аҳил жамоамиз, ажойиб инсонларимизнинг хизматлари катта бўлаяпти...

Алишер РЎЗИЕВ.

Истиқлол бир корхона мисолида

МЎЪЖИЗАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Биз ижод аҳлида бир қусур бор. Қаҳрамонимизни иложи бўлса, узоқроқдан — саҳроданми-ей, тоғлардан-ми-ей, ишқилиб, сал нариро-оқдан излаймиз. Қорақалпоқ сулувининг сеҳри ва ёки қизиқлик боғбоннинг маҳорати кўзимизга оловдай кўринади. Эҳтимол, ростданам шундайдир. Аммо баъзида шундоқ ёнгинамизда мўъжиза содир бўлаётганидан бехабар қоламиз. Бу эса қўшнимизнинг фидойилиги, дўстимизнинг чин маънодаги жонсараклиги, маҳалладошимизнинг эл-юрт ободлиги учун куйдим-пишдилиги ва ҳатто бу йўлда оромидан кечиб бўлса-да, тиниб-тинчимаслиги каби хислатларда кўзга ташланади. Ва шунда англаймизки, олдингдан оққан сув... жимгина, шовқин-суронсиз оқиб ётаверар экан. Синчковлик билан қарамасанг унинг тагидаги пўртаналарни, дуру жавоҳирларни пайқашинг қийин.

Янгийўл телекоммуникациялар боғланмаси бошлиғи Жумабой Бўтаев билан шундоқ бақамти ишлаб, яшаб юраверибмизу аммо унинг бугунги кунда ҳамшаҳарларининг севимли кишисига айланиб қолганлигини сезмабмиз ҳам. Одамлар билмай гапирмайди. Эл тилга олдими, демак, ҳар қандай инсоннинг манфий ва мусбат томонларини кафтдаги мунчоқдек томоша қилаверишинг мумкин: кимга Хизр йўликди, кимга шайтон учради!

Жумавой акага Робинзон бўлмаса-да, Хизр йўлиққани рост. Билъакс, эл уни бу қадар алқамасди. Янгийўлликлар телефондан гап очилса борми, албатта, Жумавой акани бир дуо қилиб олишади.

Ҳақиқатда ҳам, бугун туманнинг олис қишлоқларидан туриб ҳам хориждаги ҳамкоринг билан бемалол ва бехижолат гаплашишинг мумкин. Илгарилари бақиравериб, томоқларинг хириллаб қоларди, ундан кўра том устига чиқиб чақирақол, деган писандаларни ҳатто қизиқчиларимиздан ҳам эшитганмиз. Ўз ишининг устаси сифатида Жумавой ака буни яхши англарди ва у ҳам биз қатори яхши кунларни орзу қилиб яшарди.

— Мустақиллик мен сингари инсонларнинг орзуларига қанот бағишлади, — дейди қаҳрамонимиз. — Жамоамизнинг саъй-ҳаракати туфайли тармоғимизни хориждаги замонавий техника воситалари билан жиҳозлашга муваффақ бўлдик. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси, Хитой Республикасининг «Хуайвей» компанияси технологиялари мушкулимизни осон қилди. 2004 йилда абонентларимизни Японияннинг JBIC лойиҳаси бўйича Осиё-Европа шиша толали оптик кабелига улаш учун янги телефон қувурлари ётқизилди. 2006 йилда 35- ва 38-АТСлар аналогик станциядан «Хуайвей» компаниясининг рақамли станциясига алмаштирилди. Бундан ташқари шаҳримиздаги Олтинобод, Мустақиллик, Фарҳод маҳаллалари ҳамда Ниёзбоши қишлоғи абонентлари қўшимча алоқа турларидан фойдалана бошладилар. Шунингдек, ўтган йили Озод қишлоғидаги объектимиз ҳам «СГМ» русумли рақамли станцияга алмаштирилди.

Қаҳрамонимиз рақамларни бир-бирига улаб гапирар экан, уларнинг ортида қанчалик заҳматли туну кунлар, беҳаловат дамлар ётганлигини ҳис қилиб турдик. Негаки ўтган ойда Аноркулов даҳасида хитойликларнинг «ZTE» компаниясининг 900 рақамга мўлжалланган станцияси ишга туширилиши жараёнидан хабаримиз бор эди. Уста-ю мутахассисларнинг ўшандаги юғур-юғури, эл-юрт фаровонлиги учун тунларни тонгга улаб ишлашини кузатгандик.

Баъзида ўйлаб қоласан: бу аҳил жамоанинг иши қачон тугайди?

— Иши тугаган одамнинг умри тугайди, — дейди Жумавой ака. — Турмуш ташвишлари, элнинг юмуши бизни доимо сергак қилиб турганги маъқул. Ҳадемай Халқобод қишлоғидаги 1000 рақамли нуқтамизни хорижда ишлаб чиқарилган 1600 сиғимли рақамли станцияга алмаштириш ниятимиз бор. Умуман, барча станцияларнинг боғловчи линияларига шиша толали кабеллар ётқизилади. Умуман, ҳали олдинда қиладиган ишларимиз анча сероб...

Жамоанинг пенсионерлар, ногирон ва уруш қатнашчилари, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келаётганлиги, байрамларда ҳашарлар уюштириб, ундан тушган маблағларни хайрия жамғармаларига ўтказаётганлиги ана шу сероб ишларнинг бир банди, бир бўғини бўлса, не ажаб!

Мўъжиза нима? У қандай пайдо бўлади? Бизнингча, мўъжиза одатий туюлган нарсаларнинг замиридаги биз ногаҳон англаб қолган ноодатий тушунча ёхуд ҳаракатларнинг мавжудлигидир.

— Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, — дейди Жумавой ака. — Илгариги замонда қишлоқларда, ҳатто туман марказларида алоқа воситалари қандай аҳволда эди?.. Ўша пайтларда ҳозирги ишларни қилишга ким рухсат берарди, ким бунча маблағни ажратиб берарди?..

Дарҳақиқат шундай. Бир замонларда телефоннинг яратилиши бир мўъжиза бўлган эди. Бугун эса шу соҳада Янгийўлда яратилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ишларнинг ўзи бир мўъжиза.

Солижон БОЙМАТОВ.

Тиббиёт

«ТЕЗ ЁРДАМ» ЭШИТАДИ...

Бу овоз ҳаммамизга таниш. Негаки, иссиқ жонмиз, исталган пайтда тобимиз қочиб қолиши мумкин. Ва ана шундай пайтда ҳеч иккиланмай «03» рақами орқали шифокор чақирамиз. Улар эса...

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Яхшиси, «Тез тиббий ёрдам» ҳақида, аниқроғи, бир миллион нафарга яқин аҳолиси бўлган Жиззах вилоятида тиббий хизмат кўрсатишнинг бу тури қандай ташкил этилгани, бу борада тўпланган амалий тажрибалару, ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар хусусида фикр юритсак.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг 220 ўринга мўлжалланган Жиззах филиалида 800 нафар тиббиёт ходимидан иборат жамоа аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Шуларнинг 120 нафари малакали врачлардир. Филиал таркибидаги Тез тиббий ёрдам» ва санавиация бўлими ҳамда унинг туманлардаги ўн иккита бўлинмаларида 42 та «Тез тиббий ёрдам», 3 та санавиация автомашиналари, 1 та реанимабил, зарур тиббий техника ҳамда замонавий асбоб-ускуналар бўлиб, улар шифокорларга энг олис қишлоқларнинг аҳолисига тез, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бераётир.

Мухтор ЭШБЕКОВ, филиал директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Филиалимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан 2000 йилнинг 3 июлида ташкил топди. Мавжуд 15 та бўлимларимизда ҳар йили 15-16 минг нафар бемор даволаниб, дардларига шифо топаяпти. Асосий бўлимларимиздан ҳисобланган «Тез тиббий ёрдам ва санавиация» бўлимида хизмат қилувчи шифокорларимиз эса йилига ўрта ҳисобда 35-36 минг атрофидаги чақириқларни қабул қилиб олишаяпти. Бир кеча-кундузнинг ўзида 100-120 та бундай чақириқлар қайд этилишини эътиборга оладиган бўлсак, бўлимда ишлаётган 100 нафарга яқин соғлиқни сақлаш ходимларининг вақтлари нақадар тиғиз, фаолиятлари нечоғли масъулиятли эканлигини сезиш қийин эмас.

Холбой ДАВЛАТОВ, Бахмал тумани марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими шифокори:

— Туманимиз тоғли ҳудудда жойлашган. Баъзан олис қишлоқлардан, ҳатто автомобиль боролмайдиган аҳоли пунктларидан чақириқлар бўлиб туради. Шунда «Тез ёрдам»да йўлга чиқиб, машина юриши мумкин бўлган жойгача бориб оламиз-да, қолганига отда йўлга тушишимизга тўғри келади. Бир куни кечаси шундай бўлди. Аксига олиб ёмғир шаррос қуйиб турибди. Зим-зиё тун, отда кетаяпмиз. Тоғли сўқмоқда аранг йўл топиб бораяпмиз. Шу аҳволда ўн чақирим йўл юрган бўлсак керак. Вақт алламаҳал бўлганда тоғ устидаги мўъжазгина қишлоққа етиб келдик. Бемор жувон тўлғоқ азобидан қийналаётган экан. Ҳамшира билан биргаликда тонгача тинмадик. Имкон қадар туғуруқни осонлаштиришга, она ва бола соғлигини сақлашга ҳаракат қилдик. Тоғу-тошлар узра чақалоқнинг инга-ингаси янграганда қўёш энди-энди ётоғидан бош кўтараётган палла эди. Ишонасизми, тун бўйи отда юриб чарчаганларимиз ҳам, жиққа ҳўл уст-бошимиз таъсирида танимизда пайдо бўлаётган жунжикишлар ҳам, уйқусизликдан юзага келган ҳорғинлик ҳам бир зумда йўқолди. Кимгадир ёрдамимиз текканидан шод, масрур эдик. Аслида шифокор учун беморга кўмак беришдан, унинг дардини аритишдан, раҳматини эшитишдан каттароқ бахт йўқ.

... Ана, шаҳар кўчаси бўйлаб сирена чалганича «Тез тиббий ёрдам» машинаси елдек учиб бораяпти. Демак, шифокорлар дарддан азоб тортаётган кимгадир шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликдан қийналаётган, балки ўлим билан олишаётган қайсидир инсонни ҳаётга қайтариш учун шошилаяпти. Келинг, унга йўл берайлик...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Банк ва мижоз

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ, МУСТАҲКАМ АЛОҚА

ТУФАЙЛИ «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ВА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ФИЛИАЛЛАРИДА МИЖОЗЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини шакллантириш, янги иш ўринлари яратишда банкларнинг алоҳида ўрни бор. Бу борада «Микрокредитбанк» Сурхондарё вилоят бошқармасида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойида ўз маблағи ва жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобидан филиаллар 86 та мижозга 186 миллион 380 минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратган. Шундан 89 миллион сўми қисқа муддатли, 97 миллион 380 минг сўмдан ортиқроғи эса узоқ муддатли кредитлардир. Соҳалар бўйича таққослайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш, савдо ҳамда бошқа тармоқлар ривожига ҳам ушбу банк кейинги йилларда ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда. Йил охиригача ана шундай кредитларни янада кўпайтириш мақсадида банк жамоаси яна изланмоқда.

Бошқарманинг «Бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш» бўлими томонидан қисқа даврда 75 та тадбиркорлик субъектига айланма маблағни тўлдириш учун 493 миллион сўм, бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида 146 нафар тадбиркорга 163 миллион сўмдан ортиқроқ микрокредитлар ажратилган.

— Мустақиллик шарофати билан барча соҳаларни кенг ривожлантириш, аҳоли турмуш маданиятини яхшилаш учун кенг имкониятлар яратилди, — дейди бошқарма бошлиғи Мўмин Маҳмудов. — Айниқса, касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган ёшларни рағбатлантириш борасидаги ютуқларимиз талайгина. «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг дастлабки чорагида банкимиз кўмаги билан 631 та янги иш ўринлари яратилди. Шундан 334 тасини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, банк ва мижоз ўртасида ишонч бўлса, кўзланган мақсадга эришиш ҳам осон кечади.

— 2006 йилда банкнинг Шеробод туман бўлимидан 5 миллион сўм микрокредит олгандик, — дейди «Эмин оға» хусусий корхонаси раҳбари Назокат Мамарасулова. — Фоизни ўз вақтида қайтардик. Иқтисодий кўмақдан миннатдорман. Аввалига якка тадбиркорлик билан шуғулланган бўлсам, сўнгра фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Айни кунда ош тузи ишлаб чиқарадиган цехимизда 18 киши фаолият кўрсатаяпти.

Ана шундай намунали хизматлар самараси бўлса керак, «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси «Ташаббус — 2007» республика кўрик-танловида «Энг яхши молия муассасаси» йўналиши бўйича ғолиб, деб топилди.

— Ўтган йили банкнинг Қумқўрғон бўлимидан 3 миллион 500 минг сўм микрокредит олгандим, — дейди «Шарқ табобати» хусусий шифохонаси раҳбари Абдурашид Сафаров. — Аввало банкнинг ёрдамида фаолиятимизни бошладик, иккинчидан, 12 нафар киши иш билан таъминланди. Туман марказидан анча олисдаги «Оқжар» маҳалласи аҳлининг ҳам мушкули осонлашди. Яна 25 миллион сўм кредит олмоқчиман. Рентген ускунаси сотиб олсак, тағин 15 нафар киши ишли бўлади...

Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларнинг томорқаларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кучайтириш мақсадида бошқарма томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Уни амалга татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Дастурга мувофиқ, 437 та деҳқон хўжаликларига 219 миллион 230 минг сўм микрокредитлар ажратиш белгиланган. Натижада яна 570 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлади.

Тадбиркорлик субъектларига лизинг хизмати кўрсатиш борасида ҳам бошқарма томонидан ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Жорий йилнинг уч ойи давомида 50 та лойиҳа бўйича қарийб 500 миллион сўмлик лизинг ва микролизинг хизматлари кўрсатилган. Тўққизта лойиҳа бўйича 88 миллион 350 минг сўм қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар хариди учун сарфланган. Натижада 10 нафар киши ишли бўлди.

Ғалла — дастурхонимиз кўрки, пахта эса мамлакат бойлигидир. Амалдаги қишлоқ хўжалик йилида аграр соҳа ривожи учун ҳам «Микрокредитбанк» бошқармаси ҳамда филиаллар томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ғалла ҳосили учун 1500 дан ортиқ фермерга 21 миллион 120 минг сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса, пахтачилик билан шуғулланаётган фермерларга қарийб 45 миллион сўмлик маблағ ажратилгани шулар жумласидан. Бу рақамларни аввалги йилларга солиштирсак, анча салмоқли.

Янги иш ўринлари яратиш мақсадида бошқарма томонидан жойларда турли учрашув, суҳбат ҳамда тренинглар олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг июль ойида республика «Микрокредитбанк» бошқаруви, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси келишуви ижросини таъминлаш мақсадида Бойсун туманининг «Работ», Музработ туманидаги «Навбаҳор», Сариосиё туманининг «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ана шундай тадбирлар ўтказилди. Бундай мулоқот ва учрашувлар аввало мижоз ва банк ўртасидаги алоқани мустаҳкамласа, қолаверса, юрт ривожи, мамлакат тараққиётига камарбаста бўлаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш йўлидаги амалий ишлардан бири бўлди.

Ўтган йилда банк ва бўлимлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун маблағи бўлмаган ҳамда вақтинчалик ишламаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тикувчилик, зардўзлик, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш мақсадида 430 нафар кишига 4 миллион сўмга яқин микрокредит ажратилганди. Шу ҳисобдан ҳам 500 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Маиший хизмат ва сервис соҳаларини кенгайтириш учун ажратилган микрокредитлар 200 га яқин тадбиркорлик субъектларида 365 кишини иш билан таъминланишига кўмак берди.

— Асосий мақсадимиз — халқимиз фаровонлигини янада ошириш учун хизмат турларини яхшилаш ва янада кенгайтириш, кредит кўрсаткичларини кўпайтириб боришдир, — дейди банкнинг Денов туман бўлими бошлиғи Баҳриддин Мирзаалиев. — Ўтган даврда бу борада кўзланган мақсадларга эришдик ҳам. Кам таъминланган оилалар, бошланғич сармояни шакллантираётганлар ва якка тадбиркорларнинг 115 нафарига микрокредитлар ажратилди.

Хуллас, Сурхон воҳасида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда биз бугун мухтасаргина сўз юритган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки вилоят банкининг ҳам ўзига хос улуши бор.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.

БРИТАНИЯ ПОЧТАЛЬОНЛАРИ

ИШ ТАШЛАДИЛАР

Буюк Британиянинг қироллик почтаси ходимлари умуммиллий иш ташлаш ўтказдилар. «AFP» АА нинг хабар беришича, унда 130 мингга яқин почта ходими иштирок этди. Улар маошлар оширилишини талаб қилдилар ҳамда кенг миқёсли қисқаришлар режасига қарши норозилик билдирдилар.

Британия ҳукуматининг кейинги икки йилда 2500 та почта бўлимини, яъни ҳар бештадан бирини ёпишни мўлжаллаётгани ҳақидаги баёноти ушбу норозиликлар бошланишига сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, кейинги пайтда Британия почтаси кўраётган иқтисодий зарар ортиб бормоқда. 195 минг киши ишлайдиган мамлакат почтаси ҳафтасига 4 миллион фунт стерлинг миқдорида зарар кўрмоқда. Бу кейинги икки йилдаги кўрскаткичдан икки баравар ортиқдир.

МАРСГА УЧИШНИ ХОҲЛАГАНЛАР

ТАНЛАБ ОЛИНАДИ

Европа космик агентлиги Қизил сайёра — Марсга учишни хоҳловчилар учун махсус танлов эълон қилди. 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган, бўйи 185 сантиметрдан юқори бўлмаган 12 нафар хоҳловчи махсус лойиҳада иштирок этиб, мураккаб синовлардан ўтиши лозим.

Марсга «саёҳат» 17 ой давом этади. Танлаб олинган «экипаж аъзолари» Москвадаги илмий тадқиқот институтининг изоляцияланган камерасида шунча муддат яшайдилар. Улар ташқи олам билан фақат радиоалоқа ёрдамида боғланадилар. Ҳамма томони ёпиқ камерадаги шароит худди Марсдагидек яратилган. Радиоалоқа манзилга айнан Марсдагидек 40 дақиқадан сўнг етиб боради.

Ушбу тажрибани ўтказишдан мақсад одам чекланган кенгликларда узоқ вақт ўзини қандай тутишини, ундаги ўзгаришлар жараёнини ўрганишдан иборат.

ЭНГ ХАВФЛИ МАМЛАКАТ

ТАИЛАНД ЭКАН

«Norwich Union Travel Insurance» суғурта компанияси суғурта масаласи бўйича 2006 йилги мурожаатларни (улар 60 мингта) таҳлил қилиб чиққач, натижалар шундан далолат бермоқдаки, Таиланд сайёҳлар учун энг хавфли мамлакат экан.

Суғуртачиларнинг фикрича, сайёҳлар айнан Таиландда кўпроқ овқатдан заҳарланишаркан, автоҳалокатга учрашаркан, юкларини ўғирлатишаркан.

Маълумки, бу мамлакатда йўлларда автомобиллар ҳаракатланиши чап томонлама. Бу эса ўнг томонлама ҳаракатланувчи мамлакатлардан борган сайёҳлар учун ноқулайликлар туғдириши табиий. Ва бу ҳам автоҳалокатлар юзага келишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ста-

тистик маълумотларга кўра, Таиландда ҳар йили 17 минг киши айнан автоҳалокатлар боис ҳаётдан кўз юммоқда. Бундан ташқари, бу ерда терроризм хуружи ва шаҳвоний жиноятлар ҳам ортиб бормоқда.

Қариб денгизи атрофидаги мамлакатлар ҳам сайёҳлар учун хавфли ҳудудлар ҳисобланаркан. Бу ерда сайёҳлар турли ҳашаротлар ва судралиб юрувчи жонзотлар чақиши натижасида келиб чиқадиган аллергиядан азият чекишади. Ўтган йили уч мингдан ортиқ сайёҳ жабр кўрган.

Жанубий Африка бўйлаб саёҳатга чиққанлар эса маҳаллий сувларда чўмилиши натижасида безгакни юқтириб олиш хавфига дучор бўлиши мумкин экан. Бундан ташқари, ўғирликлар, сайёҳларга ҳужумлар ҳам содир бўлиб туради. Шунинг учун бу ўлкаларда сайёҳларнинг якка ҳолда юриши тавсия этилмайди.

Европада эса Бельгия, Голландия, Франция, Германия ва Ирландиянинг сайёҳлар учун энг хавфсиз мамлакатлар ҳисоблангани ҳолда Австрия аксинча, хавфли экан. Ўтган йили тоғ чанғисида учиш натижасида энг кўп жароҳат олганлар шу ерда қайд қилинган. Чехияда эса киссавурларнинг сайёҳларга «ҳужуми» кўп содир этилган.

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Маълумки, ўтган йили Фаластин мухториятида бўлиб ўтган сайловларда ХАМАС ташкилоти ФАТХчилардан устун келиб, ғалабани қўлга киритгач, Исроил ҳукумати мухториятни қўллаб-қувватлаш учун ажратаётган молиявий кўмакни тўхтатиб қўйган эди.

Яқинда мухториятнинг раҳбари Маҳмуд Аббос ХАМАС вакилларисиз янги ҳукуматни шакллантиргач, Исроил ҳукумати уни қўллаб-қувватлаш учун мухториятга 117 миллион доллар миқдорида кўмак жўнатди.

Яқин кунларда яна молиявий ёрдам амалга оширилади.

— Фаластинликларнинг фикрича, — дейилади «BBC News» сайтидаги хабарда, — 2006 йил 1 февралдан бери мухториятга жўнатиладиган пуллар Исроилдаги махсус ҳисоб-рақамда йиғилиб қолган.

ТИЛ ЎРГАНГАНИ УЧУН

МАҲБУСЛАРГА ПУЛ ТЎЛАНАДИ

Эстония Адлия вазирлиги республика қамоқхоналарида жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар учун эстон тилини чуқурроқ ўрганиш бўйича махсус курслар ташкил этишни режалаб турибди. Давлат тилини ўрганиш бўйича кимки юқори натижаларга эришса, унга ойига 1080 крон (92 доллар атрофида) ойлик маош тўланади. Бу ҳақда «Postimes» нашри хабар чоп этди.

Курслар тўрт ой давом этади. Бирор соат ҳам дарс қолдирмай фаол қатнашган ва тил ўрганиш бўйича яхши натижаларга эришган маҳбуслар эса пул мукофоти билан тақдирланади. Шуни таъкидлаш лозимки, мукофотнинг 30 фоизигина маҳбус қўлига берилади. Қолгани ҳисоб рақамига ўтказилади.

ҚАРИЯНИНГ АЙБИ

67 ЙИЛДАН СЎНГ ТАСОДИФАН ФОШ ЭТИЛДИ

Голландия полицияси автомобиль бошқариб кетаётган 84 ёшли қарияни шунчаки, ҳужжатларини кўриб қўйиш учун тўхтатган эди, кутилмаганда қариянинг айби очилиб қолди.

Гап шундаки, қария 67 йилдан бери ҳайдовчилик гувоҳномасисиз машина бошқариб келаётган экан. Бунинг устига машина суғуртаси учун бирор марта ҳам пул ўтказмабди, солиқ ҳам тўламаган, техник кўрикдан ўтмаган. Шунинг учун қариянинг иши судга оширилди. Бироқ суд белгилаган жарима энг кўп миқдорда бўлишига қарамай, тўланмаган солиқ ва суғурта миқдоридан бир неча баравар кам бўлди.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Исковот ҚФЙдаги 210 ўринли 16-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан — 170 486 395 сўм.

Қурилишни якунлаш муддати — 2007 йил 1 сентябрь.

Буюртмачи: *Наманган шаҳри А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.*

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари тўпламининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ФАРҒОНА ШАҲРИ «МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ» ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Фарғона шаҳар «2-сонли катталар поликлиникаси» биносини капитал таъмирлаш «ҚМИ».
Қурилиш муддати — 3 ой.

Буюртмачи манзили: Фарғона шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 2-уй. Тел.: 222-04-06, 222-27-15.
Қурилиш-монтаж ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

9114-ҲАРБИЙ ҚИСМ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: **Қувасой шаҳридаги 9229-ҳарбий қисмнинг «Қувасой» чегара базаси бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш».**

Қурилиш муддати — 2007 йил IV чорак ва 2008 йил I чорак.

Буюртмачи: 9229-ҳарбий қисм.

Манзил: Қувасой шаҳри.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши мутбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

«Зармитан олтин-маъдан зонаси кони негизида кон-маъдан мажмуаси қурилиши» лойиҳаси бўйича жиҳозлар етказиш, шеф-монтаж, ишга туширириш ва созлаш ишларига

04/07-СОНЛИ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи — *Навоий кон-металлургия комбинати.*
Молиялаштириш буюртмачининг хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Молиялаштириш шартлари:
— маҳаллий корхоналарга — Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида;
— хорижий компанияларга — АҚШ долларида.

1-ЛОТ.
Суюқ ва газ шаклидаги ёқилғиларни ёқиш учун буғ қозони — 2 к-т.

2-ЛОТ.
1. Мойсиз ҳаво компрессорлари — 3 к-т.
2. Конденсаторли ускуна — 5 к-т.

3-ЛОТ.
1. Бетон қориш ускунаси — 1 к-т.
2. Блок — контейнерли компрессорлар — 2 к-т.

Етказиш шартлари: ***CIP — Нурбулоқ ст., 728204, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, қабул қилувчи коди 2223, Ўзбекистон. Инкотермс — 2000 га мувофиқ.***

Етказиш муддати: ***2007-2008 йил.***

Тендерда шартномаларни тузиш ваколатига ва фуқаролик ҳуқуқдорлигига, тендер асосида харид қилинадиган тегишли ҳажмдаги маҳсулотларни етказиш бўйича етарли тажрибага эга бўлган, таклиф этилган шартларга мувофиқ иштирок этиш истагини билдирган маҳаллий, шунингдек, хорижий ишлаб чиқариш ёки таъминотчи идора ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 471 АҚШ доллари
(Хорижий компаниялар тўловни АҚШ долларида, маҳаллий корхоналар эса ЎзР Марказий банкининг тўлов бажарилаётган вақтдаги расмий курси бўйича миллий валютада амалга оширади).

Закалат суммаси — харид ҳисоб-китоби қийматининг 1% миқдорида.

Оферталар тендер ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.

Тендерда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер ташкилотчиси — НКМК Капитал қурилиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, 210100, Навоий кўчаси, 27-уй.
Телефон: (998 79) 22 77106, 22 77264, 22 77211.
Факс: (998 79) 22 77586.

Оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун. Оферталарни очиш тендер ташкилотчисига оферталарни тақдим қилишнинг сўнгги муддати тугагандан кейин иккинчи куни ўтказилади.

Тендер ҳужжатларининг очилиши қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй, НКМК бошқармаси биносида.

Тендер ҳужжатларига тўловни амалга ошириш учун банк реквизитлари:

Хорижий компаниялар учун:	Маҳаллий корхоналар учун:
ЎзР ТИФ Миллий банки	НКМК ИНН 201204514
Тошкент ш., 100084, Юнусобод	Навоий ш., 2,
Амир Темур кўчаси. 101-уй.	Навоий кўчаси — 27.
МФО 00450	Х/р 20210000090030562300 1
SWIT: NBFAUZ2X	ЎзР ТИФ Миллий банки Навоий ш.
Валюта ҳисоб рақами: 22614840200305623002	МФО 00196 ОКОНХ 12411

Мулоҳаза

РЕКЛАМА БОЗОРИ

ФАҚАТ ФОЙДА КЎРИШ, ДАРОМАД ТОПИШНИ ЭМАС, МАДАНИЯТ ВА САВОДХОНЛИКНИ ҲАМ ТАЛАБ ЭТАДИ

Бугунги давр ўзгаришлари бошқача. Замон билан бирга одамларнинг онгу тафаккури ҳам жуда тез ўзгариб бораяпти. Бундан ўн беш йил аввал реклама деса, унинг бор-йўғи 3-4 турини санаб берардик. Бугун-чи? Ҳаммаёқда реклама. Хўш, бу оммавий тусга кираётган ва урфга айланаётган тарғибот йўлининг мақбул ва номақбул жиҳатлари қай даражада? Негаки, бугун деярли ҳамма жойда оммавий ахборот воситалари, кўча-кўй, автобусу машиналардан тортиб метро-ю поездларда ҳам турли хил рекламаларни кўраверсанг, ўрганиб қолдик. Лекин биз учун уларнинг кундалик ҳаётимиздаги ижтимоий ўрни, қолаверса, маънавий таъсир кучи қандайлиги муҳимроқ. Чунки реклама дегани фақат қуруқ ёзув-чизув ёки беўхшов сурат-расмларни илиб ташлашдан иборат эмас. Аслида мақсад — фойда кўриш, даромад топиш. Аммо бу реклама ва эълонларнинг мазмун-моҳиятини ифодалашда сўздан масъулият билан фойдаланиш, уларни ўрнида қўллаш масаласи бугун жиддий. Яхшиси, жонли мисолларга мурожаат қилайлик:

Дорилар рекламасидаги мана бу сўзларга эътибор беринг: **«...болалардаги туғма носозликларга малҳам».** И-е, нима, бола техникамидики, унда носозлик бўлади? Болада туғма нуқсон бўлиши мумкин. «Нуқсон» ва «носозлик» сўзларининг маъноси икки хил, ахир!

Реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида тарқатиладиган ахборотдир. Хўш, реклама беришдан мақсад фақат фойда кўришми? Балки баъзан рекламанинг фойдасидан кўра, зарариям бўлиши мумкин-ку! Айрим пайтларда ахлоққа, одам руҳиятига тескари таъсир кўрсатади. Масалан, «райская наслаждения» деб «кўз-кўз» қилинадиган «Баунти» шоколадининг рекламасини олайлик. Унда шоколаддан кўра, нимага кўпроқ урғу берилишини фаҳмлаш қийин эмас.

Имло қоидаларига риоя қилиш ҳам саводхонликка киради. Саводхонлик эса маданият белгиси. Афсуски, аксарият реклама ва эълонлардаги имловий хатоларни кўриб... сарфланаётган маблағларга ачинасан киши. Айниқса, янги ўзбек алифбосидаги тутуқ белгиси билан «ў-о» ва «ғ-g» ҳарфларидаги элементни адаштириб юбориш, «е», «ё», «ю», «я» каби «ё»лашган унлиларни, «х» ва «ҳ» нотўғри қўлланишига исталганча мисоллар келтириш мумкин. Бу камчиликлар тугатилмас экан, аълочи ўқувчилар, зукко ёшларнинг ё бошини қотирамиз ёки биздан кўра, лотин алифбосини яхши биладиган болаларимизга калака бўламиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра, бошқа тилларда тарқатилади» дейилган. Лекин қайси тилда бўлишидан қатъи назар, маҳаллий шарт-шароитни, миллий қадриятларни ҳисобга олиш лозим деб ўйлаймиз. «Кофейня Буржуй Все за кофе! Усмон Носир кўчаси, 30 А». Бу нимани англатади? Реклама матнларини тайёрлашдан тартиб уни истеъмолчи эътиборига ҳавола этгунича йўл қўйилаётган хатоларни тузатиш ҳақида энди кўпроқ ўйлаш вақти келди.



...Хорижда бир чол радиодагилардан «об-ҳаво икки-уч кун давомида +40-42 даража бўлади» деб эълон қилишларини сўраган экан. Сабаби — у елпиғич ясаркан. Демак, қандай йўл билан бўлмасин, керак бўлса одамларни алдаб, молини ўтказиш зарур. Афсуски, бизнинг тадбиркорлар орасида ҳам об-ҳавони «ўзгартиришга» интилувчилар йўқ эмас.

Қизиқ бир ҳолат. Пойтахтимиздаги кўплаб магазин, кафе, ресторан, дискотека ва маиший хизмат кўрсатадиган жойларнинг номланиши ғалати — «Лас-Вегас», «Жулияна», «Симба», «Фудзияма» «Парламент», «Аристон», «Баша», «Маша»?.. Балки улар ўзларига мижозларни жалб этиш мақсадида шундай номларни қўйишгандир. Лекин «Империал», «Буржуй» ва ҳоказоларга нима дейсиз?

Энг ачинарли томони, айрим катта кўча ва бозорлардаги реклама ёзувларидаги пала-партишлик, эътиборсизлик кўпчиликда эътироз уйғотмоқда.

Реклама бозорида саводсизлик, тартибсизлик бўлмаслиги керак. Хорижий реклама ва эълонларнинг таржимасига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Токи, рекламага эътирозлар бўлмасин, аксинча у одамлар ўртасида қизиқиш, фикр уйғотсин.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

БИРИНЧИ ДАВРА:

ЯКУН ВА ХУЛОСАЛАР

Якшанба куни ўтказилган 14-турнинг кечиктирилган «Металлург» — «Навбаҳор-Н» учрашуви билан футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига жамоаларининг биринчи давра баҳсларига якун ясалди. Унда меҳмонлар 1:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

15-турнинг марказий ўйини Тошкентда «Қурувчи» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Мавсумда ўз олдига катта мақсадларни қўйган ҳар икки жамоа учун бу учрашув алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш шарт эмас. Тенг курашлар остида кечган баҳсда мезбонлар ғалаба қозониши ҳам мумкин эди. Бироқ учрашувнинг дастлабки бўлимида «Қурувчи» жамоаси сардори Сергей Лушан пенальтини аниқ амалга ошира олмади. Натижа дуранг билан якунланди — 0:0.

Турнинг кутилмаган ҳисоби Зарафшонда ўтган «Қизилқум-Олтин» — «Шўртан» жамоалари учрашувида қайд этилди. Собиқ пахтакорчи Сергей Ковшов бош мураббийлигида майдонга тушаётган ғузорликлар сафардан уч очко билан қайтишди — 1:2.

Қолган ўйинлар эса қуйидагича ниҳоясига етди: «Пахтакор» — «Локомотив» — 4:0, «Самарқанд-Динамо» — «Машъал» — 2:1, «Навбаҳор-Н» — «Трактор» — 2:0, «Бухоро» — Металлург» — 2:1, «Тўпаланг» — «Вобкент» — 0:0, «Насаф» — «Андижон-ЎзДЭУавто» — 4:4.

✧✧✧

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Осиё кубоги баҳсларида қатнашиши муносабати билан чемпионатнинг биринчи давра мусобақалари барвақтроқ ниҳоясига етди. Бу йилги мавсум ҳақида мутахассислар фикри билан қизиқдик.

Мурод АЛИЕВ, Республика Олимпия захиралари спорт коллежи директори, собиқ пахтакорчи:

— Биз кейинги йилларда «Пахтакор» жамоасининг якка пешқадамлигига ўрганиб қолгандик. Бу йил эса пахтакорчиларга миллий чемпионатимизда муносиб рақобатчилар пайдо бўлганлиги қувонарли ҳол. Жумладан, олий лига дебютанти «Қурувчи» футболчилари намойиш этаётган ўйинлардан шахсан менинг кўнглим тўлаяпти. Мавсумда кимлар чемпион бўлади-ю, қайси жамоа биринчи лигага тушиб кетишини олдиндан башорат қилиш мушкул. Қисқаси, миллий чемпионатимиз савияси ошаяпти.

Ўн бешинчи турдан кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	15	13	2	0	38-6	41
«Нефтчи»	15	12	2	1	31-10	38
«Қурувчи»	15	11	3	1	26-7	36
«Машъал»	15	10	2	3	27-11	32
«Қизилқум-Олтин»	15	9	1	5	25-21	28
«Самарқанд-Д»	15	7	4	4	23-19	25
«Андижон - Ўз-ДЭУ»	15	7	2	6	23-19	23
«Насаф»	15	6	3	6	22-23	21
«Навбаҳор»	15	6	1	8	22-23	19
«Трактор»	15	6	0	9	18-23	18
«Шўртан»	15	5	1	9	15-25	16
«Бухоро»	15	5	1	9	13-23	16
«Вобкент»	15	3	2	10	9-31	11
«Тўпаланг»	15	2	3	10	9-20	9
«Локомотив»	15	1	3	11	10-30	6
«Металлург»	15	1	2	12	15-35	5

Акмал АЗИЗХЎЖАЕВ, «Чиғатой» Республика олий футбол маҳорати мактаби маслаҳатчи мураббийи:

— Бугуннинг ишқибози анча талабчан ва қизиқувчан. Улар фақат мамлакат миллий чемпионати билан чекланиб қолмасдан, хориж футболини ҳам диққат билан кузатиб боришмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, футболчиларимиз мухлислар талабини оқлай олишмаяпти. Агар жадвалда пешқадам ва унинг таъқибчилари ўртасида очколар фарқининг камлигига қарасак, чемпионат савияси ошгандек. Бироқ чемпионликка асосий даъвогар, деб эътироф этилаётган «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтган учрашувда йирик 4:0 ҳисобининг қайд қилингани барибир кўпчиликнинг дилини хира қилади. Менимча, бармоқ билан санарли жамоалар ўртасидагина бўладиган кураш билан чемпионат савияси белгиланмайди. Мухлисларни иккинчи даврада қизиқарли ўйинлар кутмоқда. Чемпионат савиясига эса кузда тўлақонли баҳо бериш ва аниқроқ фикрлар айтиш мумкин бўлади...

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрларда жон бор. Миллий чемпионат савиясига баҳо бериш осон эмас. Мухлисларни стадионларга қайтариш, жамоаларнинг чиройли ва ҳужумкор ўйинлар намойиш этишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳам барча имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, ЎФФ мусобақаларда ҳакамлар фаолиятини жиддий назоратга олган. Ўзбекистон чемпионати 12-турининг «Трактор» — «Машъал» жамоалари учрашувидаги (1:2) кўпол хатолари учун ён ҳакам Вилоят Нажафалиев ЎФФнинг барча мусобақаларида ҳакамлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бундан ташқари, инспекторлар рўйхатида қайд этилган Сардор Нажафалиев ҳам учрашувлардан бутунлай четлатилди. С.Нажафалиев тез орада Осиё Футбол конфедерациясидаги инспекторлик фаолиятини ҳам тугатиши мумкин. ЎФФ уни ОФК инспекторлари рўйхатидан ўчиришларини сўраб, ташкилотга расмий илтимоснома жўнатди. Шунингдек, «Трактор» — «Машъал» жамоалари ўйини бош ҳаками Вадим Цейтлинга қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

Демак, олдинда бир-биридан муросасиз ва қизиқарли иккинчи давра баҳслари кутиб турибди. 1 август куни Ўзбекистон Кубоги чорак финал учрашувлари, 5 август куни эса 16-тур ўйинлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КРАМНИК МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Шоҳмат бўйича жаҳон чемпиони Владимир Крамник Дортмунд шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда етти имкониятдан бешта очко тўплаб, саккизинчи бор ғолиб бўлди. У мусобақанинг иккинчи туридан бошлаб, пешқадамликни қўлга киритиб, Питер Леко билан Виши Анандлардан очколар ҳисобида анча ўзиб кетганди. Умуман Владимир мусобақа мобайнида учта партияни ўз фойдасига ҳал қилди. У исроиллик Борис Гельфанд, норвегиялик Магнус Карлсен ҳамда немис Аркадий Найдичларни доғда қолдирди. Озарбойжонлик Шаҳриёр Мамадиёров, ҳиндистонлик Ананд ва венгер Леколар билан дуранг ўйнади. 2-4 ўринларни Алексеев, Ананд ва Леколар ўзаро баҳам кўришди.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йили учун бакалавриатнинг кундузги бўлим йўналишларига қабул эълон қилади

Таълим йўналиши

- Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
- Менежмент (соҳалари бўйича)
- Маҳсулот сифати менежменти (соҳалари бўйича)
- Автоматлаштириш ва бошқарув
- Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси
- Ёғочсозлик саноати ва технологияси, машиналар ва жиҳозлари
- Биотехнология
- Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
- Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)

- Касб таълими:
  — *Кимёвий технология бўйича*
  — *Озиқ-овқат технологияси бўйича*

Ҳужжатлар 2007 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади

Институтимизга ўқишга кириш истагида бўлганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. *Ректор номига ариза;*
2. *Ўрта ёки ўрта-махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
3. *Тиббий маълумотнома (086-У шаклда);*
4. *3х4 ҳажмли 6 дона фотосурат;*
5. *Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Абитуриентларга маслаҳат дарслари жорий йилнинг 1 июлидан 28 июлигача олиб борилади

Тест синовлари:

Атроф-муҳит муҳофазаси, автоматлаштириш ва бошқарув, маҳсулот сифати менежменти ва ёғочсозлик саноати ва технологияси, машиналар ва жиҳозлари йўналишлари бўйича:
Математика, физика, она тили ва адабиёт

Кимёвий технология, нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси, биотехнология, касбий таълим ва озиқ-овқат технологияси йўналишлари бўйича:
Кимё, математика, она тили ва адабиёт

Менежмент йўналиши бўйича:
Математика, чет тили, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.

Манзил: *700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй. Телефонлар: (99871) 144-79-17, 142-39-63, 144-79-24, 144-79-32. e-mail. txti info@edu.uz*

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят ходими Шуҳрат Темировга падарибузруквори **Неъматулло ота**нинг вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими Ёқутхон Холмуҳамедовага турмуш ўртоғи **Абдулла ХОЛМУҲАМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

РАТБ «ҒАЛЛАБАНК» САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланиш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

РАТБ «ҒАЛЛАБАНК» САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 5 ой.

Қурилиш ишлари — РАТБ «Ғаллабанк» Самарқанд минтақавий филиали маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: **Самарқанд шаҳар, Саттепо маскани, 148-А уй. Телефон: 222-97-72.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга эга бўлишлари, ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.

Тел: 233-32-00, факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: *Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

«ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ» ОАЖ
қуйидаги маҳсулот ва хизматларни таклиф қилади:

МТЗ-80, ТТЗ-80 тракторлари Д-243 двигателини;
- янгисини ишлаб чиқаради;
- 1 кун ичида мукаммал таъмирлаб беради;
- барча эҳтиёт қисмларни қайта тиклаб беради.

Двигателнинг бенуқсон ишлаш кафолати — 18 ой ёки 2400 мотосоат.

Эски, ишлатилган двигателларни ва унинг барча эҳтиёт қисмларини сотиб олади.

Шунингдек:
- Д-243 двигатели тирсакли вали,
- Д-243 двигатели шатуни,
- штангали осма пуркагич (опрыскиватель штанговый) ОН-300/10, ОН-600/14, ОН-600/18,
- юқори босимда ишловчи шланглар РВД, ф12, ф16, ф20,
- фекаловоз агрегати РУЖ 3,0,
- чуқурлатгич-юмшатгич (углубитель) УР-3 х 0,7,
- ўқариқ очгич КН-1,2,
- ўқариқ ёпғич-текислагич ПН-2,0 ни ишлаб чиқаради,
- РР-75, РР-80 гидротаксинлагичларни қайта тиклаб, таъмирлаб беради.

Манзил: *Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин қўрғони. Тел./факс: (8-370) 93-51-555, мобил 331-78-15*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8422 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 22.45
1 2 3 4 6

Sotuvda erkin narxda